

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ (Қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш)

«О'ЗБЕКИСТОН РОСНТАСИ» акциядорлик жамияти қузатув кенгаши ва акциядорларига

Фикр:

Биз Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» (JPA International) аудиторлик ташкилоти бош аудитори Хожиакбаров С.Г , Ботиров М.М лар томонидан (*Аудитор сертификати №-05468 11.07.2017 , №-05599 20.03.2019 йилда Молия Вазирлигидан берилган*) «О'ЗБЕКИСТОН РОСНТАСИ» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказдик.

Раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек Жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда ақс эттирилган суммалар ва очиқ бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни қўшимча изоҳлар билан билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

«O'ZBEKISTON ROCHTASI» акциядорлик жамияти вилоятлардаги филиалларда бухгалтерия 1-С программаси маълумотлари билан аналитик ҳисобварақалари орасида четланишларга йўл қўйилган, айрим филиалларда бош оборот жамламаларида якуний бухгалтерия ўтказмалари берилмаган. Жумладан асосий воситалар ва товар моддий захиралар ҳисобини юритилишида тофовутлар мавжуд бўлганлиги сабабли, филиалларда ўтказилган аудит теширувлари давомида етарлича тегишли аудиторлик далиллари олишни имконияти тўлиқ мавжуд бўлмади.

Биз барча филиаллардаги тофовутларга тузатишлар киритиш учун билдиришномалар, зарур ҳолларда активларни баланс қолдиқларига мослаштириш учун йўқламалар ўтказиш тавсиялари берилди.

Қўшимча изоҳлар билан фикр

Бизнинг фикримизча, қўшимча изоҳлар билан фикр билдириш учун асос ифодаланаётган параграфда тавсифланган жиҳат кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни истисно этганда, молиявий ҳисоботлар «O'ZBEKISTON ROCHTASI» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабргача бўлган молиявий ҳолатини ва кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради .

Сана 11 апрель 2022 й

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
бош директори бош аудитори

Бош аудитор

Аудитор



М.Х Ботиров

С.Г Хожияқборов

М.М Ботиров

*Аудитор малака сертификати №-05052
2017 йил 25 августда Молия Вазирлиги
томонидан берилган*